

Намангандаги Янги Ахси археологик мажмуасидан ноёб қўлёзма ва китоблар топилди



13:24 / 07 ноябрь 840

Намангандаги Янги Ахси археологик ёдгорлик мажмуасидан 50 дан ортиқ нодир қўлёзма ва тошбосма китоблар топилди. Бу ҳақда uza.uz сайти хабар берди.

Топилмалар орасида Абу Муъин Насафийнинг XI асрга оид нодир китоби, Қўқон хони Амир Умархоннинг мукамал девони, Бухоро амири Саид Олимхоннинг топшириғи билан ўтган аср бошида Когондаги Дорус Салтана босмахонасида чоп этилган Мулло Муҳаммад Обиджон ибн Мулло Муҳаммад Қобил Охунд Намангонийнинг «Тухфатул обидин анисул ошиқин» китоблари мавжуд. Уларнинг энг қимматлилари қаторида Хожа Али Ромитаний, Хожа Аҳрори Валий, Мавлавий Абдулҳай Лакनावийларнинг нодир рисолалари турибди.

Таъкидлаш керак, манбалар ўрганилганда, Наманган, Тошкент, Бухоро ва Самарқанднинг йирик савдогарлари XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошида элга маънавият улашиш, зиё таратиш бўйича катта ҳажмда иш олиб борган.

Янги Ахси мажмуаси раҳбари, манбашунос олим Билолхон Рустамов ушбу топилмани тадқиқ этиш жараёнида Ҳожи Чироғиддин Сирожиддин тожир, Мулло Абдулқодир Маҳдум, Саййид Зафар Бухорий, Қобил Охунд Намангоний, Исҳоқхон Тўра Ибрат томонидан Лоҳур, Деҳли, Истанбул, Қозон, Тошкент босмахоналарида юзлаб томда, юз минглаб ададда китоблар бостирилгани ҳақида янги маълумотларни тақдим этди.

Топилмалар орасида Абу Бакр ибн Муҳаммад Али Қурайший томонидан тасниф этилган «Анисул воизин», Қорийнинг мукамал девонлари, «Мифтохул Жунон Мисбохул иймон», Тарих китоби, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, ҳадисларнинг форсий шарҳи берилган «Аходисул аъмол», грамматикага оид «Рисолати маъзи дар илми ҳарф», Саъдий Шеърозийнинг «Гулистон» асари, Мавлавий Шариф Бухорийнинг «Назмул Мухтасар», Зиёуддин Нахшабийнинг «Силку Сулук», шунингдек, «Тухфатул Хомидия», «Мухтасари Туркий», «Таржиматус соил вал масоил», «Нафъул муфтий», «Дуррул Мажолис», «Иршоди толибин», «Рисолаи Анфоси нафси», «Муродул Орифин» каби нодир манбалар мавжуд.

Ахсикатийлар ва Ахсавийлар илмий тадқиқот марказидаги қўлёзма ва тошбосма манбалар сони ушбу топилмалар билан бирга 4000 мингдан ортди.